



Фан ва технологиялар агентлиги ҳалқаро «Web of science» тизимиға обуна бўлди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Фан ва технологиялар агентлиги томонидан «Web of science» ҳалқаро илмий маълумотлар базасига миллий обуна бўлишни таъминлаш» мавзууда илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Вазирликлар ва давлат ташкилотлари вакиллари, илмий ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари, олимлар, ёш тадқиқотчилар иштирок этган тадбирда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳа, хусусан, илм-фан, техника соҳаларини ривожлантириш, таълим тизимининг узлуксизлигини янада тако-

миллаштириш мақсадида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорини замонавий эҳтиёжларга мос юқори маълакали кадрлар билан таъминлаш муҳим вазифа этиб белгилангани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 июнда давлат илмий-техника дастурлари доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг савияси ва рақобатбардошлигини оши-

риш, тадқиқотчиларни замонавий илмий-техника адабиёти ва маълумотлари билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида қабул қилинган фармойишига мувофиқ илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида белгилангандар вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда «Web of science» ҳалқаро тизимиға обуна бўлиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

«Web of science» — ҳалқаро нуфузли илмий адабиётлар, журнallар, китоблардан кенг

фойдаланиш имконини берадиган тизим ҳисобланади. Унинг илмий базасида сўнгги икки юз йил давомида жаҳонда амалга оширилган тадқиқот натижалари мужассамлаштирилган. Бу тизимга обуна бўлиш мамлакатимиз тадқиқотчиларининг дунёдаги электрон илмий-таълим ресурсларидан эркин фойдаланиши, илмий мақолаларини нуфузли ҳалқаро журналларда чоп этишига имконият яратади. Бунинг самарасида юртимиз олимларининг илмий-тадқиқот фаолияти самара-дорлиги ошади, хорижлик олимлар билан тажриба алмашиш кўлами кенгаяди.

— Ушбу тизим базасида

бутун дунё бўйича ўн беш минг журнал қамраб олинган, — дейди Ўзбекистон Фан ва технологиялар агентлиги бош директори М.Болтабоев. — Бугунги семинарда мазкур тизимга миллий обуна бўлиш ташкил этилди. Россиянинг «Clarivate Analytics» компанияси билан ўтказилган музокаралар якунига кўра, бир йилга мазкур тизимга обуна бўлиш учун давлат бюджетидан 500 минг АҚШ доллари ажратилди. Бу тизимдан мамлакатимиздаги барча вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва олий таълим муассасалари фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Фан ва технологиялар агентлиги ва «Clarivate Analytics» компанияси ўртасида «Web of science» тизимиға обуна бўлиш шартномаси имзоланди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири**